

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

У.Бекбаев, К.Муминов

Матрициалы дифференциал тенгламалар системасини сиртлар учун Лоренц алмаштиришлари аниқлигига ечиш.....5

Э.Каримов, С.Кербал

Суб-диффузия ва түлкүн тенгламаларидан иборат аралаш типдаги тенглама учун трикоми типидаги масала.....10

КИМЁ

Н.Бозоров, В.Кудышкин

Метилакрилатнинг акрил кислотаси билан сополимеризацияси15

Ҳ.Исмоилова, Д.Бекчанов, Ш.Ҳасанов, М.Балтаева

Пластификат поливинилхлоридни полиэтиленполиамин билан модификациялаб олинган ионитта мис(II), никель (II) ва кобальт(II) ионларининг сорбцияси19

М.Ахмадалиев, И.Асқаров

Зарарсиз толалар асосида маҳсулот олиш канцероген асбест муаммоларининг ечими сифатида22

Б.Саттарова, И.Асқаров, Ш.Абдуллоев

Товуқ гүштини сертификатлашда унинг таркибидаги антиоксидантлар миқдорини аниглаш.....27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

Р.Максудов

Фарғона вилоятида анорчиликни ривожлантириш ва ушбу соҳанинг истиқболлари33

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Гафуров, О.Гафуров

Агроиқтисодиётнинг муҳим моддий ва маънавий тимсоли (КФК 80 ёшда).....36

ТАРИХ

Б.Абдуллаев, З.Рахманов, Н.Камбаров

Қўштепа-2 ёдгорлигидаги кўшк хандагининг тадқиқотлари40

У.Мирзалиев

Совет даврида Сирдарё вилоятидаги тарихий-демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари44

И.Хўжахонов

Совет тарихшунослигига ўзбеклар миллий идентикилиги муаммосининг ўрганилиш жиҳатлари48

М.Ҳасанов, Юнпенг Танг, М.Хомиджонова

Шимолий Бақтриянинг Кушонлар даврига оид янги ёдгорликлари.....54

Р.Мамадалиев

Исмоил ака – темуршунос олим59

Ш.Охунжонова

XIX аср ўрталари - XX аср бошларида Фарғона водийси бозорлари тарихидан.....64

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Гаффарова

Мураккаб тизимларга оид илмий ғоялар68

М.Маматов

Тасаввух таълимотининг ижтимоий-маданий детерминантлари73

Т.Абдуллаев, Б.Холматова

Инсон омилини фаоллаштириш масалалари77

О.Бойбуваева

Мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг такомиллашуви82

УДК: 930.1 (575.1)(09)

СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЎЗБЕКЛАР МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИГИ
МУАММОСИННИНГ ЎРГАНИЛИШ ЖИҲАТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ИЗУЧЕНИЯ ВОПРОСОВ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ
УЗБЕКОВ В СОВЕТСКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ

FEATURES OF THE STUDY OF THE ISSUES OF NATIONAL IDENTITY OF UZBEKS IN
SOVIET HISTORIOGRAPHY

И.Хўжахонов

Аннотация

Мақолада совет даври тадқиқотларида ўзбеклар миллий идентиклигининг ёритилиши масаласи тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Муаллифнинг фикрига кўра, совет даври тадқиқотчилари ўз ишларидаги ўзбекларнинг миллий идентиклигини бевосита ўрганмаган бўлсалар-да, ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи, миллат сифатида шаклланниши ва миллий консолидациялашуви билан боғлиқ жараёнларни тавсиф этишида ушбу масалани озми-кўпми ёритиб ўтишган. Бундан ташқари, бу даверда ўзбеклар этнографияси бўйича бой этнографик материаллар йигилган бўлиб, бугунги кунда уларни идентиклик концепцияси асосида ёндашган ҳолда ўрганиш имконияти мавжуд.

Annotation

В статье с точки зрения историографии анализируется проблема освещения этнической самобытности узбеков в советский период. По мнению автора, исследователи советской эпохи хотя и не изучали непосредственно вопросы этнической идентичности узбеков, но, описывая процессы этногенеза, этнической истории, этнической принадлежности и национальной консолидации узбекского народа, в некоторой степени освещали этот вопрос. Кроме того, в это время были собраны богатые этнографические материалы по узбекской этнографии, и сегодня есть возможность изучать их на основе концепции идентичности.

Annotation

This article analyzes the problem of covering the ethnic identity of Uzbeks in the Soviet period from the point of view of historiography. According to the author, the researchers of the Soviet era, although they did not directly study the issues of ethnic identity of Uzbeks, but described the processes of ethnogenesis, ethnic history, ethnicity and national consolidation of the Uzbek people, which was elucidated. In addition, at this time rich ethnographic materials on Uzbek ethnography were collected, and today there is an opportunity to study them on the basis of the concept of identity.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбек идентиклиги, совет этнографияси, миллий консолидация, “сарт”, этник компонент, миллий автохтонизм, иқтисодий ҳаёт бирлиги, этник алоқалар, этник гуруҳлар.

Ключевые слова и выражения: узбекская идентичность, советская этнография, национальная консолидация “сарт”, этнический компонент, национальный автохтонизм, единая экономическая жизнь, этнические отношения, этнические группы.

Keywords and expressions: Uzbek identity, soviet ethnography, national consolidation, “sart”, ethnic component, national autochthonism, single economy life, ethnic relations, ethnic groups.

Ижтимоий-гуманитар ривожланишида соҳанинг идентиклик концепциясининг фанга кириб келиши алоҳида ўрин тутади. Кейинги йилларда этнология фанида шаклланган этниклик, этник (миллий) идентиклик каби тушунчалар ҳам ушбу концепция билан узвий боғлиқ. Идентиклик атамаси лотинча “бир-бираға айнан ўхшаш, айнан бир хил”, деган маънони билдиради. Унинг илмий талқини кишиларнинг ўзини маълум бир ижтимоий гуруҳ (миллий, диний, синфий, гендер ва ҳ.к.)га мансублиги ҳақидаги тушунчасини ифодалашдан иборат.

Миллий идентикликни алоҳида илмий муаммо сифатида ўрганишнинг назарий асоси ўтган асрнинг 60-70-

йилларида Гарб мамлакатларида вужудга келган бўлиб, кейинги йиллар давомида бу бўйича кўплаб амалий тадқиқотлар амалга оширилган. Ўз даврида совет этнографиясида ҳам миллий идентиклик концепциясига ўхшаш миллий (этник) ўзликни англаш тушунчаси шаклланган ҳамда унга нисбатан этноснинг асосий белгиларидан бири сифатида эътибор қаратила бошланган бўлса-да, назарий-методологик жиҳатдан ушбу масала етарлича ривожлантирилмаган. Шунга қарамай, совет даври тадқиқотчиларининг миллатнинг келиб чиқиши, шаклланиши, этник тарихи, миллий консолидациялашуви

И.Хўжахонов – ЎзРФА Тарих институти, тарих фанлари номзоди, камта илмий ходим.

ТАРИХ

кабилар билан боғлиқ ишларида миллий ўзликни англаш (миллий идентиклик) масаласи у ёки бу даражада ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин. Қуйида биз, ўзбеклар миллий идентиклигини совет даври тадқиқотларида ёритилиши масаласини таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

Совет даврида миллат концепцияси ва у билан боғлиқ илмий ёндашувлар ҳукмрон мағкура асосига қурилган. 1913 йилдаёт И.Сталин томонидан миллатга: “Миллат, бу, кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт ва руҳий кечинмалар умумийлиги асосида тарихан таркиб топган, маданий ўзиға хослигига намоён бўлувчи бирлигидир.” [1,296] – дея тъериф берилган эди. Кейинчалик миллатнинг келиб чиқиши ва шаклланиши бўйича тадқиқотлар методологияси асосан бундай қараш доирасида шакллантирилган, десак муболага бўлмайди.

Ўзбек миллатининг этнографик характеристикасига бағишлиган дастлабки асар – 1926 йилда тилшунос олим Е.Поливанов томонидан чоп этилган рисола ҳисобланиб, у тўқизта алоҳида қисмдан (нашрдан) иборат бўлган. Биринчи қисм “Ўзбекларнинг келиб чиқиши ва номланиши” деб номланган [2]. Муаллиф ўзбек миллатини таркибий жиҳатдан ўтрок ўзбеклар (сартлар) ва ярим кўчманчи ўзбекларга ажратган ҳолда кўриб ўтади. У тилшунос олим сифатида аввало лингвистик таҳлилга эътибор қаратган бўлса-да (acosan тошкентлик ва чимкентлик ўзбеклар шевалари мисолида), шунингдек, этнографик аҳамиятга эга кўплаб маълумотларни ҳам беради. Масалан, у ўтрок ўзбеклар (сартлар) ва ярим кўчманчи ўзбеклар ўртасида этник чегаранинг мавжудлиги тил нуқтаи назаридан эмас, балки турмуш тарзи ва антропологик тузилишга кўра бўлиши мумкин, деб ёзади [2,9]. Шунингдек, у (шаҳарлик) ўзбекларнинг турли гурухлари шевасидаги фарқлар асосан эроний тилнинг таъсири даражасидан келиб чиқади, деб ҳисоблади.

Е.Поливанов сартларни эроний ва туркий тилли аҳолининг қоришувидан келиб чиқкан (туркий тилли) ҳалқ эканлигини ҳамда “сарт” атамасининг этимологик маъноси (савдогар) дастлаб ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлган ҳолда айни пайтда у

этник мазмун касб этишини ёзади. “Сарт” атамаси гарчи ҳар доим ҳам этник мазмундаги ягона кўрсаткич бўлиб хизмат қила олмаса-да, этник мансубликни назарда тутган ҳолда берилган “сен кимсан?” деган саволга одатда ўтроқ ўзбеклар (сартлар) туғилиб ўсган жойи номи билан: масалан, “мен – тошкентликман”, “мен – қорабулоқликман”, “мен - бухороликман” ва ҳоказо тарзида ёки диний мансублик нуқтаи назаридан “мен - мусулмонман”, деб жавоб бериши мумкинлигига қарамай, уни ўтроқ ўзбеклар орасида ягона ва барчага маълум бўлган этник аҳамиятга эга атама, деб билади [2, 17].

Нима учун миллий зиёлилар (жадидлар) томонидан сарт атамаси ўзбек миллийчилигини (миллатчилигини) англатиш учун қўлланилмаган? - деган саволни ўртага ташлаб, бунинг иккита асосий сабабини келтириб ўтади: биринчиси - ўзбек миллийчилигининг туркийликка асосланганлиги (сарт атамаси бу талабга жавоб бера олмасди); иккинчиси - сарт атамаси ҳақида Россия империяси давридан қолган ёқимсиз хотира (бу даврда ушбу сўз кўпроқ таҳқирловчи, камситувчи маънода қўлланилган) [2, 17].

Шундай қилиб, Е. Поливанов биринчи бўлиб ўзбек миллати турмуш тарзи, тиллаҳжаси, қондошлиги, яъни келиб чиқишига кўра турли элементлардан ташкил топганлиги, улар тил жиҳатидан бир-бирига жуда яқинлиги, XX аср бошларига қадар ушбу гурухлар ўртасида умумий ном (этоним)нинг мавжуд бўлмаганлиги ҳақида фикр билдирган.

Ўзбек миллати таркибининг турли компонентлардан ташкил топганлиги нафақат миллий ўзликни англаш борасида, балки ҳозирги ўзбекларнинг келиб чиқиши, яъни унинг этник ядроси қайси компонент билан кўпроқ боғлиқ, деган масалада ҳам турли саволларни келтириб чиқарган. Замонавий ўзбеклар миллий ўзлигининг намоён бўлишида ушбу масала ўта муҳим ҳисобланар эди. Ўзбекларнинг миллий, этник-маданий стереотипи кўпроқ минтақанинг иккى дарё оралиғи ҳудудидаги маданий воҳаларга хос қадриятларга асосланган бўлса-да, ўтган асрнинг 40-йилларига қадар ўзбек ҳалқининг келиб чиқишини XVI аср бошларида бутун

минтақани забт этган Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар билан боғлиқ, деган қараш урф бўлган. XX аср бошларига қадар ўзбеклар деганда асосан кўчманчи ўзбеклар тушунилганлиги, ўзбек номининг келиб чиқиши ҳам улар билан боғлиқлиги кабилар масалани чалкаштирар эди. Бир сўз билан айтганда, “замонавий ўзбек идентиклиги”га ҳар жиҳатдан жавоб бера оладиган илмий концептуал асар ҳамон яратилмаган эди.

1941 йилда А. Якубовский томонидан чоп этилган «Ўзбек халқи этногенези масаласига доир» номли рисола ана шундай масалаларни ўз ичига қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Олим биринчи бўлиб замонавий ўзбекларнинг келиб чиқишини бевосита кўчманчи ўзбекларга боғлаш тўғри эмаслиги, балки ҳозирги Ўзбекистон худудида қадимдан яшаб келаётган (туркий ва туркйлашган) қабила ва элатларга бориб тақалишини илмий асослашга ҳаракат қиласди. У ўзбек миллатининг келиб чиқишини кўчманчи ўзбекларнинг Ўзбекистон худудига кириб келиши билан бевосита боғлаш қўйидаги икки ҳолат юз берганидагина тўғри бўлишини ёзади: 1) агар кўчманчи ўзбеклар Ўрта Осиёда ҳеч қандай аҳолини учратмаганида (яъни, бу худудда ҳеч ким яшамаётган бўлганида) ва 2) агарда улар бу худудда учраган барча аҳолини батамом қириб ташлаган тақдирда [3, 3]. Амалда ҳар иккала ҳолат ҳам юз бермаган, аксинча, кўчманчи ўзбеклар бу ерда юксак маданиятга эга кўп миқёсли ўтроқ туркий аҳолига дуч келган. Бу ерда яшовчи туркий аҳоли тили, турмуш тарзи, маданий хусусиятларига кўра аллақачон шаклланиб ултурган бўлиб, Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар уларнинг этник таркибини бутунлай ўзгартириб юбормаган, балки уларга ўз номини берган энг сўнгги қатлам (этник компонент) сифатида келиб қўшилган.

А.Якубовскийнинг илмий қарашларидағи концептуал асос шундан иборатки, “замонавий ўзбеклар ҳозирги Ўзбекистон худудида ўзининг узоқ ва узлуксиз ривожланиш тарихига эга бўлиб, улар ўз номини халқ сифатида шакллангандан анча кейин олган”лигини асослашдан иборат. У “халқ тарихини унинг номи тарихи билан аралаштириш мумкин эмас” [3,18], - деган тезисни дадил олға

сурган ҳолда ўзбек халқининг антик даврдан то XVI асртага бўлган этник тарихининг асосий босқичларини қисқача тавсифлаб берган.

Бизнингча, А. Якубовскийнинг бундай илмий қарashi нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Ўрта Осиё халқларининг этногенези билан боғлиқ “миллий автохтонизм” концепциясининг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу назариянинг концептуал асосини Ўрта Осиёнинг ҳар бир халқи ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир, деган ғоя ташкил этади.

Миллий автохтонизм концепцияси асосида Ўрта Осиё халқлари этногенези нафақат ҳозирда ўзлари яшаб турган ҳудудлар билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, уларнинг ҳар бири алоҳида этник бирлик сифатида ҳам ўрганила бошланди. Масалан, 1952 йилда М. Ваҳобов ўзбек миллатининг шаклланиши тарихи бўйича қилган маърузасида унга алоҳида этник коллектив сифатида ёндашади [4, 6]. Кейинчалик, 1960 йилда чоп этилган “Ўзбек социалистик миллати” номли асарида ҳам ўзбек миллатининг алоҳида этник жамоа сифатида шаклланиши тарихини ёритишни мақсад қиласди. «Марксизм-ленинизм таълимотига мувофиқ, –деб ёзади у, – ҳар бир халқ алоҳида коллектив сифатида қуйидаги учта босқични босиб ўтади: 1) қонқардошлик коллективи; 2) элат ва 3) миллат босқичи» [5, 3].

У ўзбек миллатининг келиб чиқиши ва шаклланишини тушуниш учун унинг этник таркиби, айрим этник хусусиятлари (тили, маданиятининг миллий шакли) билан боғлиқ масалаларни кенгроқ ёритишни лозим, деб топади. Шу боис асарда ўзбекларнинг элат ва миллат бўлиб шаклланиш тарихига алоҳида тўхталади. У ўзбек халқининг элат бўлиб бириниши тарихи қадимдан бошланганлигини қайд этиб, унинг халқ сифатида шаклланиши ва умумўзбек тилининг вужудга келишини XI-XII асрлар билан белгилайди. Ўзбек элатининг шаклланиши масаласида Ваҳобов шундай ёзади: “Бир томондан, туркий тилда сўзловчи кўчманчи чорвадор қабилаларнинг ўтган асрларда аста-секин ўтроқ дехқонларга айланиши, иккинчи томондан, эроний тилда сўзловчи маҳаллий ўтроқ дехқон элатларнинг туркий тилни қабул

ТАРИХ

қилиши Мовароуннахрда янги элатнинг, ўзбек элатининг шаклланишига олиб келди. Бу элат ўзининг хўжалик тузуми билан кўчманчи туркий чорвадорлардан ва ўз тили билан ўтроқ эроний халқлардан фарқ қиласди, яъни туркий тилда сўзлаши билан эроний халқлардан, ўтроқ дехқончилик билан шуғулланиб, туркий чорвадорлардан фарқ қиласди. Ана шу алоҳида элат – ўзбек элати эди” [5, 42].

М.Ваҳобов ўзбек миллатининг этник таркибини учта йирик этногенетик типдаги компонентга ажратади. Хусусан, у биринчи бўлиб ўзбеклар таркибидаги “турк”ларга (Мовароуннахр турклари) сартлар ва кўчманчи ўзбеклардан алоҳида этногенетик гуруҳ сифатида ёндашади.

Муаллиф халқнинг жисплашиши ёки миллий бирикуvida иқтисодий ҳаёт бирлигининг ташкил топишини мухим деб билади. Элат босқичида эса иқтисодий ҳаёт бирлигининг мавжуд эмаслиги нафақат турли этник гуруҳларнинг, балки ҳудудий гуруҳларнинг ҳам тили, маданияти, турмуш тарзи ва урф одатларида айrim ўзига хосликнинг сақланиб қолишида асосий омил ҳисобланади.

Капиталистик муносабатларнинг қарор топиб бориши натижасида иқтисодий ҳаёт бирлиги, унинг асосида эса миллий ҳудуд, миллий тил тушунчаси ва миллий маданий бирлик ҳисси ҳамда миллий психик тузилиш бирлиги (миллий характер, миллий ўзликни англаш - Х.И.) шаклланади, миллатга хос белгилар пайдо бўла бошлайди. Муаллиф миллатга хос белгиларнинг пайдо бўлишида миллий матбуотнинг ўрнини ҳам алоҳида деб билади. Хусусан, XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Туркистанда капиталистик муносабатларнинг қарор топа бошлиши билан ҳудудий алоҳидаликнинг тугатилиши, китобатчилик, босма адабиётнинг ривожланиши натижасида ўзбек миллатининг илк алоҳида белгилари пайдо бўла бошлаган, деб ёзади у [5, 42].

М.Ваҳобовнинг ўзбек этногенези ҳақидаги қарашлари илмий асосга эга бўлсада, унинг ўзбек миллатига хос омилларнинг шаклланиши ва унинг асосий босқичлари, миллий бирлиги, унинг психологик жиҳатлари ҳақидаги аксарият фикрлари марксизм руҳияти асосида курилган тўқималардан ҳоли эмас, албатта. Масалан,

у ўзбекларнинг миллий психик тузилиш бирлигининг шаклланишини бевосита социалистик қурилиш билан боғлайди ҳамда ўзбекларнинг социалистик миллат бўлиб уюшиш жараёни Иккинчи жаҳон уруши арафасида тугалланди, деган холосани беради. Шунингдек, замонавий ўзбек идентикигининг шаклланиши масаласига ҳам жуда жўн қарайди. Бу борада у шундай ёзади: “Ўзбек социалистик миллатнинг шаклланиш тарихида Туркистан Советларининг IX ўлка съезди алоҳида ўрин тутади. Бу съезд улуғ давлат шовинистлари ва маҳаллий миллатчиларни тор-мор қилганлиги ва Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатини Туркисон шароитида тўғри амалга оширилганлиги билан тарихга киради.

Туркистан халқлари шу вақтдан бошлаб ўзларини беғилашда миллий номларини ишлатадиган бўлдилар. Масалан, ўзбеклар орасида “сарт” деган термин ўрнига “ўзбек” сўзини қўллаш одат бўла бошлади. 1920 йилдаги аҳоли рўйхатида ўзини “сарт” деб атаганлар жуда оз бўлди. Буларнинг ҳаммаси келажақда улар орасида миллий шаклланишнинг тез суръатлар билан боришига ёрдам қилди” [5, 338]. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник ядроси борасидаги масалалар бир қадар ўз ечимини топар экан, 60-йилларга келиб Б.Аҳмедов, М.Эрматов, Х.Дониёров томонидан ушбу жараёнда кўчманчи ўзбекларнинг ўрни ва ролини кўрсатиб беришга қаратилган асарлари чоп этилди [6]. Ҳаттоқи, М.Эрматовнинг ишида бу жараён бироз бўрттириб юборилган ҳолда ўзбеклар этногенезини фақат чорвадор қабилалар асосига қурилганлиги баъзи олимлар томонидан қайд этилган [7, 43].

Х.Дониёров ўзининг “Ўзбек халқининг шажара ва шевалари” номли рисоласида халқнинг келиб чиқиши масаласини ўрганишда тил мухим ўрин тутади, деган қараш асосида ёндашади. У ўзбек миллати этник таркибини: турк-ўзбек, қипчоқ-ўзбек ва ўғуз-ўзбек тарзида учта катта гуруҳга ажратади [8,96]. Ўзбеклар миллий таркибининг ўзига хослиги унинг лингвистик асосдаги таснифига ҳам мос келишини таъкидлайди.

Ўтган асрнинг 50-70-йилларида тадқиқотчилар томонидан ўзбеклар

таркибидаги турли этник гурухлар ва уларнинг миллий консолидациялашуви масаласини ўрганишга эътибор қаратила бошланди. Бунда, айниқса, комплекс археологик ва этнографик экспедициялар муҳим ўрин тутган. Масалан, бу даврда Фаргона водийси бўйлаб комплекс археологик ва этнографик экспедициялар ташкил этилади. Фаргона экспедициясида М.Биょқанова, Ш.Иноғомов каби малакали мутахассислар иштирок этган бўлиб, улар турли мавзулар бўйича этнографик материаллар йиққан. Ш. Иноғомов водийда яшовчи қипчоқларнинг миллий консолидациялашуви (умуммиллийликнинг шаклнаниши) масаласига алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, Фаргона водийсида яшовчи қурама, турк ва қипчоқлар орасида миллий консолидация жараёнини В.Винников шахсий экспедиция материалларига асосланиб ёзган мақоласида Фаргона водийсида яшовчи турк, қурама, қипчоқ каби этнографик гурухларнинг иқтисодий ҳамда маданий яқинлашуви, уларнинг этник хусусиятларини сезиларли даражада йўқолиб боришига олиб келган бўлса-да, лекин бу жараён ҳали тўла-тўқис ўз ниҳоясига етмаганлигини, улар ҳануз этник ўзлигини сақлаб келаётганлигини қайд этади [9,382-409].

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида қадар этник ўзлигини сақлаб келган турк, қипчоқ, қурама, лақай ҳамда қорлуқ, уз каби уруғ-қабилаларнинг ўзбек ҳалқи этник тарихида тутган ўрни, анъанавий турмуш тарзи, хўжалиги ва идентиклигини ўрганишда Б.Х. Кармишева, К.Ш. Шониёзов, Т.Файзиев кабилаларнинг тадқиқотлари муҳим ўрин тутади.

Таниқли элшунос оима Б.Х. Кармишева узоқ йиллар давомида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларида ўзбек ва тоҷик ҳалқларининг этник тарихи, айrim ўзбек уруғлари этнографияси бўйича бой этнографик материаллар йиғишга муваффақ бўлган ва улар асосида монография ва илмий мақолалар чоп этган [10]. У ўзбек ҳалқи таркибига кирган этник компонентларнинг ўзаро этник-маданий, хўжалик соҳасидаги муносабатлари масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг ишида доимо миллийликнинг шўрога хос номенклатураси, ўзбеклар таркибида туркийларнинг учта

тўлқини ёки гуруҳини ажратиб кўрсатиш ва минтақа ҳудудида турли йўналишдаги доимий миграция ҳамда туркий/форсий аҳоли қоришмаси каби элементлар ажралиб туради.

Олиманинг методологик қараши бўйича Мовароуннаҳр аҳолиси кўчманчи ва ўтроқ, туркий ва эроний аҳолининг доимий аралашуви натижасида шаклланган. Мовароуннаҳр чўлларида кўчманчи турмуш тарзининг мустаҳкамлиги ўтроқлашиш учун ернинг етишмаслиги ва чорвачилик ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ. Бундай иқтисодий симбиоз, ўз навбатида, савдо-сотик, маҳсулот айирбошлаш, никоҳ, ҳамкорликдаги маросимлар, – буларнинг барчаси бир томондан интеграция, консолидация ва ассимиляция жараёнини таъминлаган бўлса, бошқа томондан турли гурухларнинг хўжалигини ихтисослашувига ва маданий ўзига хослигини сақланишига хизмат қилган [11, 99-100]. “XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбеклар таркибидаги ҳар бир этник қатлам тил хусусиятлари, моддий маданияти, урф-одат ва маросимларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиш билан бир қаторда, кўплаб умумийликка ҳам эга бўлишган ва ҳеч бир муболағасиз уларни ягона ўзбек элати, деб айтиш имконини берган” [12,67] – деган фикрида унинг ўзбек миллатининг шаклнаниши ҳақидаги қарашлари ўз ифодасини топган.

К.Шониёзов ва Т.Файзиевнинг ишлари эса ўзбек ҳалқининг миллий бирикувидан олдинги даврдаги этник тарихи ҳамда бу жараёнда иштирок этган қорлуқ, қипчоқ, уз, қурама каби этник гурухлар этнографияси алоҳида илмий тадқиқотлар доирасида ҳамда комплекс тарзда ёритилганлиги билан аҳамиятлидир [13]. Мазкур тадқиқотлар, ўз навбатида, ўзбек миллатининг мураккаб этник таркиби, турли этник гурухларга хос этник ва ҳудудий хусусиятларни, алалоқибатда эса умумўзбек миллий ўзлигини англаш йўлида хизмат қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, совет даврида ўзбекларнинг миллий идентиклиги масаласи бевосита тадқиқ этилмаган бўлса-да, ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши, этник тарихи, миллат сифатида шаклнаниши ва консолидациялашуви билан боғлиқ тадқиқотларда ҳозирги ўзбекларнинг миллий ўзлигини XVI асрда ҳозирги Ўзбекистон

ТАРИХ

ҳудудига кириб келган кўчманчи чорвадор ўзбек уруғлари билан боғлаб қўйиш нотўғри эканлиги, балки замонавий ўзбек идентиклиги кўпроқ ушбу ҳудудда қадимдан яшаб келаётган қабила ва элатларга бориб тақалиши, умуман, ўзбек миллати бир нечта этник компонентлардан таркиб топганлиги масаласи илмий жиҳатдан асослаб берилган. Мазкур тадқиқотларда ўзбек

миллати шаклланишининг тарихий-маданий илдизлари ва этник асослари анча кенг ёритилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир. Бундан ташқари, бу даврга оид тадқиқотларда турли этник гурухларнинг ўзлигини англашига оид бой этнографик маълумотлар ҳам йигилган бўлиб, уларни идентиклик нуқтаи назаридан таҳлил этиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Сталин И.В. Марксизм и национальный вопрос // Сочинения. -Т. 2. – М.: Госполитиздат, 1951.
2. Поливанов Е.Д. Этнографическая характеристика узбеков. Вып. 1. Происхождение и наименование узбеков. –Т., 1926.
3. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. –Т.: Изд. УзФАН, 1941.
4. Вахабов М.Г. Доклад... история формирования узбекской соц. нации. –Т., 1952.
5. Вахабов М. Ўзбек социалистик миллати. –Т., 1960.
6. Ахмедов Б. Ўзбекларнинг келиб чиқиши. –Т., 1964; Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. -Т., 1968; Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т., 1968.
7. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. –Т., 2015.
8. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т., 1968.
9. Винников В.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС. Вып. II. – М., 1959.
10. Кармышева Б.Х. Сведения об узбекских родах семиз и кесамир // Сб. стат. по истории и филологии народов Средней Азии, посвящённый 80-летию со дня рождения А.А.Семёнова. -Сталинабад, 1953; Унинг: Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Историко-этнографический очерк животноводства в дореволюционный период. -Сталинабад, 1954; Унинг: Этнографическая группа «турк» в составе узбеков (историко-этнографические данные) // Советская этнография. -1960. -№ 1. ; Унинг: К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана. // Советская этнография. -1964. -№ 6. ; Унинг: Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. -М., 1976.
11. Кармышева Б.Х. К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана. // Советская этнография. -1964. -№ 6.
12. Кармышева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана.-1964.
13. Шаниёзов К. Узбеки-карлуки. –Т., 1964; Унинг: Узы (Из истории родоплеменных делений узбеков) // ОНУ. 1970. № 2; К этнической истории узбекского народа (Историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). –Т., 1975; Унинг: Кипчаки в узбекской этнической среде в дооктябрьский период // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. –М., 1980; Файзиев Т. Узбеки-курама (в прошлом и настоящем). Дисс. на соис... канд. ист. наук. –Т., 1963.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).